



ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА АЗАЛИЙ ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 14 апрель кунни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрель кунни Қўқсаройда бўлиб ўтди.

Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентимиз Қозоғистон Президентини юртимизга ушбу ташрифи билан кутлаб, бу олий даражадаги мулоқотларнинг изчил давоми эканини таъкидлади.

— Сизни Ўзбекистонда кўришдан ҳар доим хурсандмиз. Ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан яхши қўшни, дўст бўлиб яшаб келган. Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ана шу тамойиллар асосида ривожланмоқда. Халқаро вазият тез ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган ҳозирги кунда бундай дўстлик, ўзаро англашув янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ташрифнинг изчил давоми эканини таъкидлади.

Президентлар Марказий Осиёдаги трансшегаравий дарёлар сўв ресурслари минтақамизнинг умумий бойлиги бўлиб, халқларимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан улардан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ эканигини таъкидладилар. Трансшегаравий дарёларда гидроэнергетика иншоотлари қуриш масаласида БМТ конвенциялари ва бошқа халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига қатъий риоя қилиш зарурлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда муҳим платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

Музокарада савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Қозоғистон мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шерикларидан биридир. Ўзбекистон Қозоғистонга мева-сабзавотлар, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар, турли хизматлар экспорт қилади. Қозоғистондан юртимизга қора ва рангли металллар, ёғ-мой маҳсулотлари келтирилади.

Мамлакатларимиз ўртасида амалий мулоқот йўлга қўйилган. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги маслаҳатлашувлар мунтазамлик касб этган.

Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик кўпбал масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқиндир.

Икки давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик таъминланиши ва иқтисодиёт тикланишидан манфаатдор эканини таъкидладилар. Афғонистонда ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги, БМТ шафелигида қарама-қарши томонлар ўртасида сиёсий музокаралар ўтказиш ва ўзаро келишувга эришиш энг тўғри ва ягона йўл эканлиги қайд этилди.

Президентлар Марказий Осиёдаги трансшегаравий дарёлар сўв ресурслари минтақамизнинг умумий бойлиги бўлиб, халқларимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан улардан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ эканигини таъкидладилар. Трансшегаравий дарёларда гидроэнергетика иншоотлари қуриш масаласида БМТ конвенциялари ва бошқа халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига қатъий риоя қилиш зарурлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда муҳим платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

Музокарада савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Қозоғистон мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шерикларидан биридир. Ўзбекистон Қозоғистонга мева-сабзавотлар, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар, турли хизматлар экспорт қилади. Қозоғистондан юртимизга қора ва рангли металллар, ёғ-мой маҳсулотлари келтирилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. 2015 йил якунларига кўра, бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилган.

Қозоғистонда мамлакатимиз ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган 151 корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда Қозоғистон капитали иштирокида 206 корхона, шу жумладан, 171 қўшма корхона очилган.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришга ҳизмат қилмоқда. Жорий йил 10-11 март кунлари Остона шаҳрида мазкур комиссиянинг 15-мажлиси бўлиб ўтди.

2007-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегиясига мувофиқ савдо, сармоя, транспорт, коммуникациялар, боғжона, сув-энергетика ва инновация йўналишларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар самараси ўзаро алоқаларга қўшимча сўрьат бағишламоқда.

Транспорт коммуникациялари соҳаси ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг автомобиль ва темир йўллари ўзаро интеграцияланган. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда.

Музокарада Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг фойдаланилмаган ресурсларини янада ривожлантириш имконини бериши таъкидланди. Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шариоитида товар айирбошлашнинг ўсувчан динамикасини сақлаб қолган ҳолда унинг ҳажмини янада кўпайтириш, савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш, экспорт-импорт номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Қўшма корхоналарни кўпайтириш, тадбиркорлар ҳамкорлигини ривожлантириш мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди.

Учрашувда ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Оқибатда дўстона руҳда ўтган музокарада ўзаро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинди.

Шу билан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга амалий ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН



ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси

мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб, фракция олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди. Фракция аъзолари маърузада келтирилган ҳар бир масалани таҳлил қилишга, керакли хулосалар чиқаришга алоҳида эътибор қаратди.

Давоми 3-бетда.

САВОЛ ВА ЖАВОБ

— «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонун ҳақида маълумот берсангиз.

Дилмурод Қўшбоқов, Жиззах вилояти.



Нўмон АКБАРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги ЎЗХДП
фракцияси аъзоси:

— Мазкур Қонун 2015 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган. Унга кўра, давлат органлари электрон ҳукумат соҳасида ягона давлат сиёсати, давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади.

Айтиш керакки, давлат органлари ўзининг фаолиятига мувофиқ электрон давлат

хизматларининг регламентларини ишлаб чиқади ва электрон ҳукумат соҳасидаги вазифаларни белгилайди. Ўзи кўрсатадиган электрон давлат хизматларини Электрон давлат хизматларининг ягона реестрида рўйхатдан ўтказиши билан хизматлар кўрсатиш бўйича аҳолига, жумладан, имконияти

чекланган шахсларга зарур шарт-шароитлар яратди. Ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг узлуксиз ишлаши ҳамда хавфсизлигини таъминлайди.

Шунингдек, давлат органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг маънавиятини ошириш чораларини кўради, давлат дастурлари ва бошқа дастурларга узвий боғлиқ ҳолда ахборот тизимлари, ресурслари ҳамда тармоқларини ривожлантиришнинг идоравий режаларини (дастурларини) ишлаб чиқади. Қонунга мувофиқ давлат органлари ўз расмий веб-сайтларининг доимий ишлашини, уларда электрон давлат хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборот эълон қилинишини таъминлайди.

Шунингдек, ушбу Қонунда давлат органларининг электрон тарзда хизмат кўрсатиши билан боғлиқ тартиб-қоидалар белгиланган.

ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Жамоатчилик ва депутатлик назорати

тизимли олиб борилиши керак

Фарғона вилояти. 2015 йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари 93 масалани муҳокама қилди. Уларнинг 82 таси доимий комиссиялар йиғилиши кун тартибига киритилган бўлса, 19 таси сессияларда кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Давоми 3-бетда.

XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОЙЛИК АСРИ

Малака сертификати

чет тили фани
ўқитувчиларининг
салоҳиятини
белгилайди

Вазирлар Маҳкамасининг Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини бериш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақидаги қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарорга мувофиқ талабгорларнинг чет тилини билиш даражаси аниқланиб, уларга махсус сертификат берилмоқда.

4

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 15 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини муҳокама қилишга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан жорий йилнинг 15 январда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳамда иқтисодиётни ва унинг тармоқларини, энг аввало, саноат ва қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш, таркибий қайта

даражасини оширишнинг ўртача муддатли дастурларини амалга оширишнинг натижалари кўриб чиқилди ва ҳар томонлама таҳлил қилинди.

2016 йил учун қабул қилинган иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишларини тизимли ва изчил амалга ошириш туфайли глобал иқтисодиётда давом этаётган инқирозли ҳодисаларга ва унинг ривожланиши сўрьатлари секинлашганлигига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодиёт ўсишининг барқарор сўрьатлари ва макроиқтисодий

мутаносиблик таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини 7,5 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми — 6,7 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 12,8 фоизга кўпайди. Давлат бюджетини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогност параметрлардан ошмади.

Давоми 2-бетда.

ЎЗХДП АНДИЖОН
ВИЛОЯТИ, ТУМАН,
ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИДА

ИЗБОСКАН ТУМАН КЕНГАШИ
ДАВЛАТ САНИТАРИЯ
ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТ
МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА
«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ»
ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИГА
БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР ЎТКАЗДИ.

ҚОРАСУВ ШАҲАР КЕНГАШИ ТОМОНИДАН «ЎЗХДП:
МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР» МАВЗУСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
ДАВРА СУҲБАТИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИДАГИ ПАРТИЯМИЗ ФРАКЦИЯСИНИНГ ҚОНУН
ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ПОЗИЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА СЎЗ
ЮРИТИЛДИ:

АНДИЖОН ТУМАН КЕНГАШИ
ТОМОНИДАН «ОҒОҲЛИК — ДАВР
ТАЛАБИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ
ЎТКАЗИЛДИ. УНДА «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР
ҚАНОТИ АЪЗОЛАРИ, ЖАМОАТЧИЛИК
ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ
ФАОЛИЯТИДАНДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР
БЕЛГИЛАНДИ

Йиғилишни фракция раҳбари Хотамжон Кетмонов олиб борди ва маъруза қилди:

— Давлатимиз раҳбарининг «Бош мақсадимиз — мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришидир» номли маърузасида илгари сурилган вазифалар фаолиятимизнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда муҳим асос бўлди, — деди фракция раҳбари. — Маърузада ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошгани алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, мазкур соҳанинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиши биз учун устувор йўналиш бўлган — аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини ишга жойлаштиришда долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўтган йилги мамлакатимизда ташкил қилинган 980 мингдан ортиқ иш ўринларининг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларига тўғри келгани, коллежларнинг 480 мингдан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланган барчамизга маълум. Биз учун яна бир аҳамиятли жиҳати, 2015 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига ҳақи реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди. Бу аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда муҳим аҳамият касб

эти, дейишга тўла ҳақлимиз.

Президентимиз маърузасида ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш билан боғлиқ масалалар бундан буён ҳам эътибор марказида бўлиб қолиши таъкидлаб ўтилди. Хусусан, 2016 йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга нисбатан кўпроқ маблағ ажратилиши қайд этилди. Шундан таълим-тарбия соҳасига Давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимига 14 фоизи йўналтирилади. Таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилга қараганда 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпаяди. Ушбу маблағлар ижтимоий соҳани ривожлантиришга оқилона сарфланиши партияимиз дастурий мақсадлари амалга ошиши, электорат манфаатларини таъминлашида долзарб аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, бу рақамлар ортда фарзандларимиз таълим-тарбияси, халқимиз саломатлиги билан боғлиқ ўта муҳим ҳаётий масалалар турибди. Ҳар биримиз бу ҳақда чуқур ўйлаб, зиммамизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олишимиз зарур бўлади.

Давлат бюджети маблағларининг барча йўналишларда мақсадли: ишлатилиши устидан парламент назоратини самарали амалга оширишимиз, бу борадаги ишларда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйишимиз лозим. Соҳалар ва тармоқлар ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш билан боғлиқ устувор

■ Соҳалар ва тармоқлар ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш билан боғлиқ устувор масалаларни изчил ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш ҳар бир депутатдан катта масъулият талаб этади.



Самар ШОТУЛАНОВ оған суратлар.

Бир неча йиллардан буён фракциямиз ташаббуси билан Қонунчилик палатасида бандлик Дастури ижросининг бориши ҳақида Меҳнат вазирлигининг ахбороти эшитилмоқда.

Келгуси фаолиятимизда ҳам Дастур ижроси юзасидан парламент назоратини изчил давом эттиришимиз зарур бўлади.

масалаларни изчил ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш ҳар бир депутатдан катта масъулият талаб этади.

— Давлатимиз раҳбари маърузасида аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик

палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси Дилмурод Саъдуллаев. — Жорий йилда 990 мингга яқин иш ўрни яратилиш, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантириш ҳисобидан 660 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этиш, таълим

муассасаларининг 510 мингдан ортиқ битирувчиларини иш билан таъминлаш режалаштирилган.

Бу масалалар партияимиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда, ёшларимизни қўллаб-қувватлаб, уларга шароит яратишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис фракциямиз иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси бўйича депутатлик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратади.

Маълумки, бир неча йиллардан буён фракциямиз ташаббуси билан Қонунчилик палатасида бандлик Дастури ижросининг бориши ҳақида Меҳнат вазирлигининг ахбороти эшитилмоқда. Келгуси фаолиятимизда ҳам Дастур ижроси юзасидан парламент назоратини изчил давом эттиришимиз зарур бўлади.

Яна бир муҳим масала. Ҳар йили касб-хунар коллежларига қабул режасини ишлаб чиқишда 3-4 йилдан сўнг коллеж жойлашган ҳудудда қандай

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ
АСОСИДА

Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳининг навбатдаги йиғилишида 2016 йилга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурига асосан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ижроси билан боғлиқ масала кўриб чиқилди.

«Таълим
тўғрисида»ги
қонуннинг

Навоий вилоятидаги
ижроси кўриб
чиқилди

Қайд этилдики, бугунги кунда таълим тизимини янада такомиллаштириш ўқитишнинг замонавий усулларини амалиётга татбиқ этиш борасида вилоятда қатор ишлар қилинмоқда.

Ўтган йили 18 умумтаълим мактаби, 4 академик лицей ва касб-хунар коллежи, 6 болалар спорт объект, 10 мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Бу ишлар учун 60 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Масалан, Кармана туманидаги «Богшамол» маҳалласида 420 ўринли, Хатирчи туманининг Амир Темур маҳалласида ҳар бири 180 ўринли 2 янги мактаб қурилиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Шунингдек, Навоихор туманида ёппаси сузиш хавзаси қурилиши нисбатан яқинда тугатилган бўлса, Навоий шаҳрида имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 240 нафар ўқувчига мўлжалланган ўқув биноси реконструкция қилинди.

Қонун ижроси билан боғлиқ ахборот эшитилгандан сўнг халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи раҳбари Нормурод Исоков, партия гуруҳи аъзолари Муҳаббат Темирова, вилоят

■ ЎЗХДП: ЯНГИ ЛОЙИҲА

ЎЗХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Қарши туманидаги «Мирмир» маҳалла фуқаролар йиғинида «Тарғиботчи — маҳаллада» лойиҳаси доирасида тадбир ўтказилди. Унда депутатлар, партия фаоллари, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари, туман ҳокимлиги масъуллари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилар иштирок этди.

«ТАРҒИБОТЧИ —
МАҲАЛЛАДА»

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бормоқда. Бу эса демократик ислохотларни ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис ЎЗХДП ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кучайтирмоқда.

Тадбирда халқ депутатлари Қарши туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзоси Гулноза Қодирова, Республика маънавият-тарғибот маркази Қарши шаҳар бўлими раҳбари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Зарингор Аҳмедова, вилоят партия кенгаши бўлим мудири Шаҳло Худойкулова ва бошқалар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Музаффар ТУРОПОВ

■ ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Жамоатчилик ва депутатлик назорати
тизимли олиб борилиши керак

ЎЗХДП Фарғона вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш билан бошланди.

— 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида белгиланган вазифалар партияимиз гоялари, электорат манфаатларига мос келади, — деди партия вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Дилбархон Мамажонова. — Партия ташкилоти фаолиятига бериладиган баҳо мезонини марказида депутатлар амалга оширган ишлар туради. Жорий йилнинг шу даврига эса партия гуруҳлари қўйилган натижаларга эришди, дея олмаймиз.

2015 йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари 93 масалани муҳокама қилди. Уларнинг 82 таси доимий комиссиялар йиғилиши кун тартибига киритилган бўлса, 19 таси сессияларда кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жорий йилнинг ўтган уч ойида 13 масала партия гуруҳлари томонидан доимий комиссияларга киритилди холос. Тўғри, ушбу масалаларнинг ҳар бири

Тизимли жамоатчилик ва депутатлик назоратини амалга ошириш учун халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ва шаҳар, туман Кенгашларидаги гуруҳларимиз ўртасида ҳамкорликни кучайтириш лозим.

Ижтимоий аҳамияти жихатидан муҳим бўлиб, партия Ҳаракат дастури талабларига мос тушади. Доимий комиссиялар қабул қилган қарорлар эса электорат манфаатларига хизмат қилади. Лекин ҳалигача бирор масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига киритилмагани ташвишли ҳолатдир.

Вилоят партия ташкилоти етакчиси ўз чиқишида бир қатор таклифларни ҳам ўртага ташлади.

— Тизимли жамоатчилик ва депутатлик назоратини амалга ошириш учун халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ва шаҳар, туман Кенгашларидаги гуруҳларимиз ўртасида ҳамкорликни кучайтириш лозим. «Коллеж — корхона» тизимини ривожлантириш, битирувчиларни кафолатланган иш ўрни билан таъминлашга қаратилган шартномаларни тўлиқ бажарилишига эришиш, бу борада жамоатчилик назоратини самарали ташкил этиш зарур, — деди у.

Пленум «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросида ЎЗХДП Фарғона вилоят кенгаши иштирокини янада кучайтириш масаласини атрофлича кўриб чиқди.

Мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларда соғлом муҳит яратиш, қиз болаларни жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, спорт билан шуғулланишини таъминлаш имкониятлари кенгайиб бораётгани таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, тарғибот-тушунтириш ишларини янада кучайтириш, оналар ва болалар

саломатлигини муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ишлари бўйича депутатлик назоратини кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Дастурда белгиланган вазифалар, жумладан, қишлоқ аҳолиси, айниқса, аёллар учун ижтимоий, маиший ва тиббий шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфраструктура объектларини барпо этиш муҳим масала экани айтилди. Аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизматлар кўрсатиш ва сервис даражасини юксалтириш борасидаги ишларни изчил давом эттиришда фаол иштирок этиш лозимлиги ўқитрилди.

Очиқ минбарга партия фаоллари, партия гуруҳлари аъзолари, етакчилар бирин-кетин сўз сўраб чиқишди. Қисқа, лўнда, қизикарли таклифлар айтилди.

Пленумда тегишли қарор қабул қилинди.

Мухаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Биз тегишли

масалаларда таклифларимизни бердик. Хусусан, истеъдодли болаларни қўллаб-қувватлаш бу борада ўқитувчиларнинг масъулиятини янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

партия кенгаши раиси Акмал Асатов музокарага чиқиб, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан партия гуруҳи олиб борган назорат-таҳлил натижалари ҳақида маълумот беришди. Жойларда ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилиш бўйича тегишли таклифлар билдирилди.

— Эришилган ютуқлар ҳаммамизни қувонтиради, албатта. Лекин айрим таълим масканларида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам йўқ эмас, — дейди халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзоси Иба Наризова. — Биз тегишли масалаларда таклифларимизни бердик. Хусусан, истеъдодли болаларни қўллаб-қувватлаш бу борада ўқитувчиларнинг масъулиятини янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партияимиз гуруҳи қонун ижроси бўйича олиб борилаётган ишларни тизимли равишда ўрганиш, унинг натижаларини доимий комиссия ва сессия муҳокамасига олиб чиқиш ҳақида қарор қабул қилди.

Илхом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Ўзбекистон
Болалар
спортини
ривожлантириш
жамғармаси

ушбу йилда
28 миллиард
сўмлик спорт
анжомлари етказиб
беради

Жорий йилда жамғарма 2014-2015 йилларда фойдаланишга топширилган спорт иншоотлари ва умумтаълим мактабларининг спорт заллари қайта жиҳозлаш бўйича маъмурий дастурга киритилган 212 спорт иншооти ва 6892 умумтаълим мактабининг спорт залларини (2350 таси қишлоқ жойларида). Уларда 627 598 нафар спортчи, жумладан, 265 294 нафар қизлар иштирок этди.

«Ассалом, пленер!»

кўргазмаси очилди

Маданият ва санъат кўргазмасида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган «Ассалом, пленер!» номли бадий кўргазма очилди. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг матбуот хизмати хабар бермоқда.

Мазкур кўргазмадан Ўзбекистон Республикаси санъат асарлари, ҳалқ рассомлари ва таниқли графикачиларнинг ишлари ўрин олган.

Кўргазмадаги асарлар Ўзбекистоннинг жанубий ўлкалари – Қашқадарё вилояти Филон қишлоғи, Сурхондарё вилояти Бойсун тумани табиатининг сўлим гушларида ишланган.

Кўргазма 24 апрелгача давом этади.

Оғир атлетика бўйича

Осиё чемпионати
Тошкентда ўтказилади

24-30 апрель кунлари пойтахтимиз оғир атлетика бўйича навбатдаги Осиё чемпионатига мезбонлик қилади. Мазкур мусобақада Халқаро оғир атлетика федерацияси томонидан Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинларининг сўнгги йўлланма эгалари аниқланади.

Ўтган давр мобайнида спортчиларимиз Туркиянинг Анталия ва Болгариянинг София шаҳарларида машғулот ўтказишди. Осиё чемпионати олдидан сўнгги йилнинг эса Россиянинг Қозон шаҳрида ташкил қилинди. 19 апрель кунлари жамоа юртимизга қайтиб келади. 24 апрелдан мусобақадаги иштироки бошланади.

Ўтган йили АҚШнинг Хьюстон шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида эркеклар тарма жамоаси 5 йўлланмани кўлга киритгани боис, улар лицензия учун курашмайдилар. Аёллар тарма жамоамиз олдида олимпиада йўлланмасини кўлга киритиш вазифаси қўйилган.

XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОЙЛИК АСРИ



Фархат АЛИЕВ билан суратлар

Малака сертификати

чет тили фани ўқитувчиларининг салоҳиятини белгилайди

Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан «Чет тилларни билиш даражасини аниқлашда педагогик ўлчовлар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

— Президентимизнинг Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қароридан бир қатор муҳим масалалар белгиланган, — дейди Давлат тест маркази чет тилларини билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармаси бошлиги Севара Зуфархўжаева. — Шунга асосан мамлакатимизда чет тилларни биринчи синфдан бошлаб ўқитиш,

янги давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, олий таълим муассасаларида махсус фанларни чет тилида ўқитиш ҳамда чет тилларни билиш даражасини баҳолашнинг миллий тизимини жорий этиш каби йўналишлар бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини

бериш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақидаги қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарорга мувофиқ талабгорларнинг чет тилини билиш даражасини аниқлаш, уларга махсус сертификат берилмоқда. Сертификатнинг амал қилиш муддати уч йил.

— 2014-2016 йиллар давомида малака сертификатини олиш мақсадида 878 киши ариза билан мурожаат қилган бўлиб, шундан 761 нафари инглиз тили бўйича имтиҳон топширди, — дейди Давлат тест маркази директори ўринбосари Фархад Мирзаев. — Тест

синовлари учун қўйилган талабни бажарган 450 нафар педагогларга сертификат берилди.

— Тест синовлари В1, В2 ва С1 даражаларига давлат намунасидаги сертификат олиш учун 9 тилда, яъни инглиз, немис, француз, корей, япон, турк, араб, испан, хитой тилларида ўтказилади, — дейди Севара Зуфархўжаева. — Ҳозирга келиб CEFR (Common European Framework of Reference for Languages — Чет тилларни ўзлаштириш умумевропа классификацияси) тавсияси асосида тест топшириқларининг янги

формати ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Давлат тест маркази чет тилларини билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармасининг расмий сайти — www.nsfla.uz фаолият кўрсатмоқда. Ушбу сайт орқали тест синовларига оид маълумотлар ва материаллар эълон қилинади, талабгорларга рўйхатдан ўтиш бўйича тавсиялар берилади, амалий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, тест синовига тайёргарлик кўриш бўйича услубий қўлланма жойлаштирилган бўлиб, ҳамма фойдаланиши мумкин. Шунингдек, жорий этилган интерактив хизматлар орқали фойдаланувчилар ариза бериши ҳамда топширган тест натижаларини билиши имконияти ҳам яратилган.

Темур АБЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

ЕМММ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

«Электроманит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузастиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузастиргич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электроманит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинулари мурожаат қилинг.

БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:

Тошкент шаҳри,	Нукус қўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.	Наманган шаҳри,	Марғилон қўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72.
Андижон шаҳри,	Чўпон шаҳ қўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.	Самарқанд тумани,	Ўрташхўр қишлоғи, Рўдашхўр қишлоғи, телефон: 230-64-80.
Бухоро шаҳри,	Академик И. Мўминов қўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.	Термиз шаҳри,	Ат-Термизий қўчаси, 28-уй, телефон: 230-64-79.
Жиззах шаҳри,	Халқлар дўстлиги шўх қўчаси, АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68.	Гулистон шаҳри,	Мустақиллик қўчаси, 54-уй, телефон: 230-64-67.
Нукус шаҳри,	Ерназар Алақоз қўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.	Фарғона шаҳри,	Алишер Навоий қўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: 230-64-74.
Қарши шаҳри,	2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.	Ал-Хоразмий қўчаси, 108-уй, 23-хона телефон: 230-64-77.	
Навоий шаҳри,	Амир Темур қўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.	Урганч шаҳри,	

■ Давлат тест маркази чет тилларини билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармасининг расмий сайти — www.nsfla.uz фаолият кўрсатмоқда.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Навоий вилоят филиали томонидан жорий йил бошида 6 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти жами 6906,61 минг АҚШ доллариға тенг маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишга эришди. Шулардан «Kartana Gips mahsulotlari» МЧЖ 7,0 минг АҚШ доллари миқдоридеги қурилиш молларини, «Navbahor tekstil» МЧЖ 1242,70 минг АҚШ долларилик калавани хорижга жўнатди.



Шунингдек, жамғарма томонидан вилоятдаги ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳияти ўрганилиши ва умумий тижорат таклифи ишлаб чиқилди. Бугунги кунда хориждан ҳамкорлар топиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, «Эрудит плюс» ИЧСК ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бўйича тижорат таклифи тайёрланиб www.all.biz, www.teclot.com сайтларига жойлаштирилди.

Жамғарма қўмағида Нурота туманидаги «Mel mahsulotlari» МЧЖ хорижий ҳамкорлар билан 130 минг, «Nur-Sulton-Asat» МЧЖ 36 минг АҚШ доллари миқдоридеги шартнома тузишга эришди.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО	16-17.04 — 2016
Юртимиз бўйлаб (°С)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+10 / +15
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+20 / +25
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+10 / +15
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+25 / +30
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+13 / +18
Тошкент шаҳри	+27 / +32
	+10 / +15
	+25 / +30
	+11 / +13
	+28 / +30

Оқдарё туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Сайфиддин Мўминовга акиси

Шокир МЎМИНОВнинг вафоти муносабати билан бир гуруҳ дўстлари чуқур таъзия изҳор қилади.

Гувоҳнома № 005357

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir birinchi o'rinbosari: Farrux HAMROYEV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Saidkamol	Saidahmad
Hotamjon KETMONOV	XODJAYEV	RAHIMOV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	Tat'yana
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	KISTANOVA
	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 459
15101
nuxsada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22.55
Topshirilgan vaqti — 01.40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

